



СССРнинг тарихий мифи замонавий Россияга қандай таъсир кўрсатди.

2005 йил, 9 май. Кизил майдон. Галаба куни муносабати билан анъанавий ҳарбий парад. Путин Россиясининг дипломатик имкониятларининг чўккиси. Владимир Путин билан бирга сафланаётган аскарларни бугунги кунда G7га қирувчи деярли барча давлатларнинг раҳбарлари қўлатиб бормокда: АКШ президенти Жорж Буш ва Франция президенти Жак Ширак, Германия канцлери Герхард Шрёдер, Италия бош вазири Сильвио Берлускони ва Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми. "Европани озод қилиш ва Берлин учун жанг Кизил Армиянинг урушдаги галабаларини яқунлади", — деди Путин ўз нутқида СССРнинг кўп йиллар давомида маълум бўлган тарихий сиёсат догмасини такрорлаб, уни кейинчалик Россия ҳам ўзлаштирди. Бирок қураш тугади деб ҳисоблаш ҳато эди.

Ўша куни Кремль саройида фахрийлар билан бўлиб ўтган махсус учрашувда Россия президенти фашистик мафкура ҳамон цивилизациялашган дунёга таҳдид солаётганини таъкидлади: террористлар ҳам, экстремистлар ҳам унга мурожаат қилишмоқда. 2007 йилда Москва Таллин марказидан Бронза аскар хайкалини кўчирган эстонларни фашистлар деб эълон қилди. Бугунги кунда навбат Кремль пропагандасига кўра, россияликлар ўз боболари ва буваларининг ўрнига озод қилишлари керак бўлган ўз мамлакатининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилаётган украиналикларга келди.

1941–1945 йиллардаги галабали уруш Россия шовинизмининг қучайишига ёрдам бермоқда. Москва 1960-1970 йиллардаги совет маданияти томонидан яратилган ва кўп жихатдан тасаввурий бўлган муҳитни қайта тиклашга уринмоқда, у ерда кизил армия аскарлари — унинг ўрнини Россия аскарлари эгаллади — Европа халқларининг қутқарувчиси

сифатида гуллар билан карши олинган. Пропагандачиларнинг огзида тарих равон янграйди, бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрилса, у тарихий воқеаликларни бузиб кўрсатадиган эгри кўзгу бўлиб чиқади. Хўш, ҳозирги Россия тарихий сиёсати учун фундаментал бўлган Кизил Армия Европани фашизмдан озод килди деган тезис ҳақиқатан ҳам тарих фани бизга айтаётган нарсаса яқинми?

Кремлнинг "архидушманлари"

Агар СССРда коммунистик раҳбарлар, коюда тарикасида, 1941–1945 йиллардаги ўзларининг ашаддий душманларини бир ном билан атаган бўлсалар, бугунги кунда Россиянинг тарихий рақиблари лугатида "фашистлар" билан бир каторда "нацистлар"ни ҳам учратамиз. Иккинчиси 1991 йилдан кейин Россиянинг юзаки Гарблашуви ва коммунистик мафкурадан воз кечиши таъсирида у ерда мустаҳкам ўрнашди. Гарб сиёсий маданияти ва фанида, айниқса 1945 йилдан кейин, воқеликни аниқ тасвирлашга интилишда бу икки қариндош, аммо шунга қарамай турли хил ҳаракатлар ўртасида фарқ ажратилди.

СССРда эса тил бошқа функцияни бажарар эди: у жамиятни ҳокимият томонидан белгиланган мақсадларни амалга оширишга сафарбар қилиши, шунингдек, фуқароларга ушбу ҳодисага нисбатан ахлокий баҳони сингдириши керак эди.

Сўзнинг маъноси муҳим эмас эди — филолог ва адабиёт тарихчиси Михал Гловинский таъкидлаганидек, чегараларни аниқ белгилаш ва воқеликни "биз — улар", "илгор — реакцион", "яхши — ёмон" каби тоифаларга ажратиш асосий вазифа эди. СССРда "фашизм" сўзи қандай ишлаган ва у Россияда қандай ишламоқда?

Большевиклар ҳокимиятга келган дастлабки йилларда уларнинг архидушманлари, Ленин айтганидек, ок гвардиячилар, контрреволюционерлар, буржуазия ва монархистлар эди. Ўзгариш фуқаролар уруши тугаганидан, СССР ташкил топганидан ва мамлакатда большевиклар ҳокимияти мустаҳкамланганидан кейин юз берди. Бу Бенито Муссолинининг 1922 йил октябрида Римни эгаллаб олиши билан вақт жихатидан мос келди. Қисман социалистик ҳаракатдан чиққан Муссолини XIX асрда бутун дунёда инқилоб билан айнанлаштирилган гоюни ўзида мужассам этган эди, бу гою тез орада совет раҳбарларининг риторикасида ва лугат мақолаларида энг катта ёвузликка айланди.

XIII Коминтерн Ижроия Кўмитасининг 1933 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган пленумида фашизм «молия капиталининг энг реакцион, энг шовинистик ва энг империалистик элементларининг очик террорчилик диктатураси» деб аталган эди. Катта совет энциклопедиясида (I нашр, 1936 йил) жойлашган мақола муаллифлари янада аниқроқ таъриф берганлар: «Бу капитализмнинг умумий инкирози шароитида реакцион буржуазия сиёсатининг янги тизими бўлиб, барча капиталистик мамлакатларда мавжуд бўлган тенденциядир». Моҳият қисқача тезисда ўз ифодасини топган: «Фашизм — бу уруш». Дунё, албатта, коммунизм билан тимсолланган эди.

Фашистларни енгиш

Бироқ, фашизмнинг ҳам ўз даражалари бор эди. Кремль «олмон типигаги фашизм»ни

ашаддий душман деб хисобларди, унинг ўзига хос хусусияти эса «бошка халklar ва мамлакатларга нисбатан чексиз тажовузорлик» эди. Гитлер партияси аъзоларига хос бўлган ўз-ўзини идентификация қилиш рад этилгани айниқса кизикарлидир, чунки улар ўзларини барибир миллий-социалистлар деб аташар эди. ВКП(б) аъзоларини «социализм» сўзи хайратга соларди, бу сўз, табиийки, улар томонидан инкилобий деб тан олинган, яъни миллий бирдамликни рад этувчи ва уни синфий бирдамлик билан алмаштирувчи ҳаракатлар учун захираланган эди. Пропагандистик коммунистик лугатнинг «нацистлар» сўзидан қочишининг асосий сабаби шу эди. Шу тариқа, тадқиқотчилар эътибор қаратган асосий умумий элемент — нацистлик, фашистик ва коммунистик ҳаракатларни бирлаштириб турган нарсаяътиборсиз қолдирилди. Уларни қимнинг номидан гапиришни хошлашларига бўлган ишонч бирлаштиради: миллий ёки синфий тоифаларда ўзини идентификация қилувчи ишчининг номидан. Бу эътиборсизлик, албатта, агар тил қимгадир қарши сафарбар қилиш функциясини бажариши керак бўлса, унда биз бу қимса билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаслигимиз керак деган тахминга асосланган эди, дер эди большевиклар. Марксистик-ленинистик соҳ билан бойитилган бу оғзаки эквилибристика, албатта, асосий мақсад — совет жамиятини ва СССРга ташқаридан ҳамдард бўлган коммунистик сиёсатчиларни сафарбар қилиш олдида иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. 1939 йилгача мақсад бир эди: фашистларни енгиш. Бу халқ фронтларини, яъни Европа коммунистик партияларининг либераллар ва социал-демократлар билан иттифоқини ташкил этиш сабабларидан бири бўлди. Партия томонидан белгиланган сиёсий мақсадларга нисбатан тил ва қадриятларнинг бўйсунуши, семантиканинг иккинчи даражали эканлигини, эҳтимол, 1939 йил 23 августда Молотов-Риббентроп пакти имзоланганидан кейин ашаддий душман — фашизм — деярли икки йилга газеталарнинг биринчи саҳифаларидан йўқолиб қолгани энг яхши кўрсатиб беради. Ҳатто 1939 йил 1 майда «Правда» ишчилар плакатларга ёзишлари керак бўлган шiorларни эълон қилар экан, шундай деб ёзган эди: «Фашизмга қарши, урушга қарши қурашнинг халқ фронтини қенгайтиринг ва мустаҳкамланг!» Шу билан бирга, тадқиқотчи Антон Позняковский кўрсатганидек, 1939 йил сентябрь ойидан 1941 йил июнигача бўлган даврда «фашизм» сўзи советнинг асосий газетаси матнларида деярли учрамаган.

Тушунчани восита сифатида қўллаш

Бирок, ашаддий душман 1941 йил 22 июндан кейин қайтди. Вермахтни Москва остида тўхтатишга муваффақ бўлинди ва қарши ҳужум ривожланиши билан совет раҳбариятининг ўзига бўлган ишончи ортиб борди. У билан бирга, Учинчи рейх таслим бўлишидан олдинроқ, «Кизил Армия Европани фашизмдан қутқарди» деган ибора пайдо бўлди. Уни биринчилардан бўлиб 1944 йил қузида Иосиф Сталин Москва депутатлари Совети йигилишида айтган эди: «Бугун барча тан оладик, совет халқи ўз фидокорона қураши билан Европа цивилизациясини фашист босқинчиларидан қутқарди». ВКП(б) Бош қотиби бугунгидек қенг микёсда 9 майни нишонламаган бўлса-да, у, шубҳасиз, бу

сўзларнинг хакикатлигига катъий ишонган. 21 йил ўтгач, СССРда Галаба куни дам олиш куни бўлганида, маршал Родион Малиновский «Правда» газетаси саҳифаларида бу иқтибосни кўп марта такрорлади. Бирок, у яна шундай нарсга кўшдики, бу Ғарбий Европа давлатлари раҳбарларини ранжитди ва уларнинг элчиларининг тантаналарга келмаслигига сабаб бўлди. СССР мудофаа вазири, урушгача бўлган Катта совет энциклопедияси муаллифлари каби, Ғарб жамиятлари яна инкирозни бошдан кечираётгани ва Германия Федератив Республикасига инвестиция килинган молия капитали фашизм нишони остидаги империализмнинг яна босқинларга йўналтирилишига олиб келишига ишора қилди.

Бугунги кунда тадқиқотчилар шунга келишганки, совет пропагандаси узок йиллар давомида таъкидлаганидек, ягона фашизм бўлмаган, у Муссолини, Гитлер ва Франкони бир каторга қўйган.

Фашизмлар мавжуд эди, уларнинг энг қонли кўриниши нацизм эди ва шунинг учун у алоҳида эътиборга лойик. Хатто нацизм ва фашизм ўртасида ўхшашликларга қараганда кўпроқ фарқ борлигини таъкидлаган Ренцо де Феличе ёки Карл Брахер каби олимлар ҳам уларда умумий нарсга борлигига рози эдилар — қучли етакчи, парламент бошқарув шаклига нафрат ва қуч ишлатишга мойиллик.

Шундай қилиб, Кизил Армия хақиқатан ҳам фашизмнинг бир турига қарши жанг қилди. Бирок, СССР раҳбарлари унинг хақиқий номини айтишдан қўрқиб қолди, чунки унда коммунистларнинг ўзларини идентификация қилган «социализм» сўзи мавжуд эди. 1991 йилдан кейин коммунистик партия тарқалиб кетгач, сифатли ўзгариш юз берди, шундан кейин «фашизм»нинг синоними сифатида «нацизм» тушунчаси ишлатила бошланди. Аммо бу атамаларнинг сиёсий восита сифатида қўлланилишини ўзгартирмади: Кремль, кўп йиллар аввалги коммунистлар каби, уларни душманларни белгилаш учун синоним сифатида ишлатади. Бу давлатлар ёки шахсларнинг фашизмга қандай алоқаси борлигидан катъи назар.

Озод қилиш

СССРнинг Иккинчи жаҳон урушидаги галабаси яқунларига тааллуқли мифнинг иккинчи муҳим элементи «фашизм» тушунчасига қараганда анча оддий. СССРнинг собиқ сунъий йўлдош давлатлари ва республикалари мустақилликка эришганидан сўнг, «озод қилиш» сўзи Иккинчи жаҳон уруши натижалари ҳақидаги саволга берилган жавобларда энг кўп баҳслашиладиган сўзлардан бирига айланди. Қилишмовчилик фашизм ҳолатидаги академик баҳсларга ҳос бўлган ноаниқлик ёки таърифлардаги зигзаглар туфайли эмас эди. Эътибор энг оддий нарсага — «озод қилиш» сўзининг классик таърифига қаратилган эди. Польша тили лугатида кўра, бу «эркинлик, мустақилликни қайтариш» деган маънони англатади. Ўзбек тилининг изохли лугатида ҳам «озод қилмоқ» феъли «эркинлик бермоқ, қарамликдан қутқармоқ» деб таърифланади.

Агар бу таърифларни 1944–1945 йиллар воқеалигига қўлласак, собиқ Иккинчи Речь Посполитанинг кўпгина фуқаролари бошдан кечирган ҳиссий даражада Кизил Армиянинг қилиши биринчи лаҳзада эркинликнинг қайтиши сифатида қабул қилинди.

Ўша пайтдаги воқеалар изидан ёзилган хотираларда «Ким бўлса ҳам майли, факат немислар бўлмасин» деган гапларни тез-тез эшитиш ва ўқиш мумкин эди.

Карийб беш йиллик оккупация, террор, облава ва катллар тажрибаси, ўлим кўркуви остида яшаш эркинлик хиссининг тўлиқ бўлмаслигига олиб келди.

Ва энг муҳими, эҳтимол, бу 1939–1945 йиллар тажрибаси билан солиштирилган эди. Ҳеч ким лугат таърифлари ҳақида ўйламаган. Лодзь шаҳридан 1945 йил январда ёзилган хатда шундай парча бор: «Биз шафкатсиз кулликдан кутқарилдик ва аллақачон кишанларни, немис куллиги занжирини ташладик».

Бурилиш нуктаси

Немсларнинг кетиши ва Кизил Армиянинг келиши билан боғлиқ эркинлик хиссининг бу қисқа, ўткинчи ва нисбий лаҳзаси кўп полякларнинг хотирасида муҳрланиб қолди. Бироқ, Сталин аскарлари келган илк кунлардан қанча вақт ўтган сайин, бу хиссиётлар совуққон баҳо билан сиқиб чиқарилди. Унинг моҳиятини венгриялик ёзувчи Шандор Мараининг сўзлари энг аниқ ифодалайди. Унинг ёзишича, кизил армия аскарлари ҳеч кимга эркинлик олиб кела олишмасди, чунки уларнинг ўзларида эркинлик йўқ эди. Сталиннинг репрессиялари ва Марказий ва Шарқий Европа ҳудудида демократик давлатлар яратишга бўлган ҳар қандай уринишларни бостириши бу сўзларнинг энг яхши тасдиғи бўлди.

Сўзлар

Декартнинг «Ақлни бошқариш қоидалари»да ёзиб қолдирган ўткир фикрларидан бири шундай эди: суҳбатда тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун аввало биз бу сўз остида нимани тушунишимизни аниқлаб олиш керак. Бироқ, француз файласуфи агар тарафлардан бири бунга қизиқмаса нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат қолдирмаган.

СССР ўз тарихий мифини нафакат воқелиқни борлигича сўзлар билан етказишга интилишини ҳисобга оладиган, балки Сталиннинг 1945 йил феввалида Ялтада имзолаган мажбуриятларини ҳам инобатга оладиган тарзда қайта кўриб чиқишни истамасди. Мажбуриятлар эса Польшада эркин ва адолатли сайловлар ўтказишни ўз ичига оларди, бу эса ҳамма жойда янграган «озод қилиш» сўзига мос келарди.

Россия ҳам аввалги даврдан мерос қолган мифни қайта шакллантиришга тайёр эмас. Энг аввало ўзини даволаш учун хизмат қиладиган миф. Ахир инсоният тарихидаги энг катта ёвузлик — нацизм — унинг номига қурбон қилинган 20 миллиондан ортиқ инсон ҳаёти эвазига бошқа ёвузлик томонидан енгилган бўлиши мумкин эмас. Колаверса, Москва Иккинчи жаҳон уруши далиллари билан жамоатчилик фикрини — ва энг аввало Ғарб давлатларини — унинг халқаро майдондаги алоҳида ролини тан олиш зарурлигига ишонтирмоқда. Бошқача айтганда, тарихий хизматлар муҳим аҳамиятга эга, ва уларни тарихий тадқиқотларга мувофиқ равишда тузатишга қаратилган ҳар қандай рефлексия Россиянинг жорий сиёсий мавқеига путур етказиш сифатида қабул қилинади. Ва ниҳоят: агар Россия раҳбарлари ва аҳолининг кўпчилиги 1941–1945 йиллардаги уруш Марказий ва Шарқий Европа давлатлари учун озодлик уруши бўлмаганини тан олса, бугунги кунда

Кизил Армия Европани фашизмдан озод килганми?

Муаллиф:

16.05.2025 22:04 -

Кремл пропагандачиларидан бири ва Russia Today рахбари Маргарита Симоньяннинг турмуш ўртоғи Тигран Кеосаян ўз теледастурида «Урушга йўк!» шиори билан чиқаётган россияликлар аслида Улуг Ватан урушига «йўк» демокда, деб псевдошантаж килиб, Украинадаги агрессияни қўллаб-қувватлашга сафарбар кила олармиди?

[Абу Муслим таржимаси](#)